O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK XALQ PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 20-mart • Shanba • 34-35 (30.155) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шу йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги: амалиёт ва самарадорлик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг раислари, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги академияси олимлари, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Адвокатлар палатаси раҳбарлари ва мутахассислари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламент фаолияти якунларини сарҳисоб қилар экан, «...парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда», деб таъкидлагани кўрсатиб ўтилди. Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг кейинги беш йиллик даврдаги вазифалари ва устувор йўналишларини аниқлаб берди, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан парламент олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътибори чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган қонун ижодкорлиги фаолияти дастурини яратиш масалаларига қаратилди. Иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, уларда фаолликнинг етишмаслигини енгиш, қабул қилинаётган қонунларга уларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни киритиш зарур бўлиб, бу охир-оқибатда парламентдан юксак даражада ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини узлуксиз равишда излашни талаб қилади.

Масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари иш тажрибасини алмашдилар, Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш масалалари юзасидан ўз таклиф ва истакларини билдирдилар.

Давра суҳбати якунлари бўйича муҳокама қилинган масалага доир тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**(ЎзА)**



## Ям-яшил далалардан бошланди сайил

Тошкент вилоятининг Наврўз сайили Паркент туманидаги сўлим Сўқоқ қишлоғига кираверишдаги ям-яшил далада ўтказилди. Гўё табиатнинг ўзи бу жойни ана шундай катта байрам тадбирларини ўтказишга атайин яратгандай. Сайилда вилоятнинг барча туманларидан вакиллар фаол иштирок этишди.

Одамлар билан гавжум сайилгоҳда куй-қўшиқлар бир зум тинмади, ҳар ёнга Наврўз кўрки сумалак ва баҳорий таомлар ҳиди таралди. Бир ёнда алп полвонлар бел олишди, бир ёнда чавандозлар кўпкари баҳсига киришди, бир ёнда халқ цирки томошалари кўрсатилди.

2-бет >>

«Тез тиббий ёрдам»чилар ғолиби аниқланди

➤2



Қувонч ва шодлик шукуҳи

➤3



Ватан юрагимда яшайди!..

➤4



Эзгуликка эш, бунёдкорликка бош

➤5



### ЎзХДП: устувор вазифалар



## Депутатлар фаолияти орқали

### *сиёсий кучнинг дастурий мақсадлари амалга ошади*

**Шундай экан, бугун партиямиздан давлат ҳокимиятининг барча даражадаги вакиллик органларига сайланган депутатлар зиммасида улкан вазифалар турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз «Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислоҳотлар тақдири учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай ишончни оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир», дея алоҳида таъкидлаган эди. Шунинг ўзи депутатлар масъулияти нақадар улкан эканини яна бир бор кўрсатади.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинарида бу ҳақда батафсил фикр алмашилди, таклифлар ўртага ташланди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев** сиёсий партия мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга реал таъсир кўрсата олса, сиёсий майдонда ўз ўрнига эга бўлишини таъкидлади.

— Бунинг учун сиёсий партиялар кучли депутатлик гуруҳларига эга бўлиши керак, — деди у. — Депутатлик гуруҳлари орқалигина электоратимиз ҳаётини фаровонлаштиришга реал таъсир кўрсата оламиз. Ўтган сайловлар натижасида барча даражадаги вакиллик органларида депутатлик бирлашмаларимизни ташкил этиш учун етарли ўринларга эга бўлдик. Дастурий мақсадларимизни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун партиямизда етарли куч ва имконият бор. Энди олдимизда мана шу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

2-бет >>

### 2010 йил — Баркамол авлод йили

## Буюк орзулар, буюк мақсадлар йўлида



3-бет

### 20 март об-ҳавоси



**Дунё бўйлаб**

| | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 15°c |
| Париж | — | 15°c |
| Москва | — | -3°c |
| Мадрид | — | 16°c |
| Пекин | — | 7°c |
| Гонгконг | — | 26°c |
| Рим | — | 15°c |
| Анқара | — | 5°c |
| Токио | — | 12°c |
| Стокгольм | — | 2°c |
| Кейптаун | — | 29°c |
| Қоҳира | — | 18°c |
| Гавана | — | 23°c |
| Вашингтон | — | 18°c |
| Нью йорк | — | 19°c |



**Юртимизда**

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 18°c |
| Самарқанд | — | 20°c |
| Нукус | — | 12°c |
| Қарши | — | 25°c |
| Урганч | — | 13°c |
| Навоий | — | 14°c |
| Фарғона | — | 18°c |
| Бухоро | — | 14°c |
| Андижон | — | 18°c |
| Наманган | — | 18°c |
| Термиз | — | 27°c |
| Жиззах | — | 20°c |
| Сирдарё | — | 20°c |
| Тошкент вил. | — | 20°c |

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# Депутатлар фаолияти орқали

## сиёсий кучнинг дастурий мақсадлари амалга ошади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хўш, мамлакатдаги ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда депутатлик гуруҳларининг ўрни қандай бўлади? Партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини амалга оширишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида тузилган партиямиз депутатлик гуруҳлари катта имкониятларга эга эканини алоҳида қайд этиш зарур, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуманноб Раҳимов**. — Депутатлик гуруҳи аъзолари ўз фаолиятини Конституциямиз ҳамда амалдаги қонунлар, маҳаллий Кенгаш Регламенти, тегишли сиёсий партиянинг Низоми, Дастури, Сайловолди дастури асосида амалга оширади.

Уларда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг барча масалалари бўйича партия нуқтаи назарини изчил ва қатъий ҳимоя қилиш, ўз сайловчиларининг фикр-мулоҳазаларини доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш, ҳукумат тузилмалари, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан ҳисобот, ахборотларини эшитиш, муҳокама этиш учун барча ҳуқуқ ҳамда ваколатлар бор.

Хўш, депутат бу фаолиятини самарали ташкил этиши учун нималарга эътибор қаратиши зарур? Аввало, ҳар бир депутат, депутатлик гуруҳи Президентимиз Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида илгари сурган стратегик вазифалар, партиянинг Ҳаракат дастури ва Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бориши лозим. Бу эса Ўзбекистон ХДПнинг депутатлик гуруҳлари партия электоратининг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида кўпроқ бош қотиришини талаб этади. Биз бунга мувафффақ бўлсак, жойларда партиялараро соғлом рақобат муҳити янада кучаяди. Вакиллик органларида турли масалалар бўйича ўтказиладиган муҳокамаларда партиялараро соғлом рақобат кучайиши ҳам демократик жамият, кўппартиявийлик тизими талабларидан биридир.

Депутатлик гуруҳи маҳаллий Кенгаш томонидан қабул қилиниши кутилаётган қарорлар лойиҳаларини, хусусан, бюджет лойиҳасини муҳокама қилишда масалага айнан ХДП позициясидан келиб чиққан ҳолда ёндашиши зарур.

Депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориши яхши самара беради. Чунки, бу бир томондан, олиб бораётган фаолиятимиз тўғрисида электоратда муайян тушунча ҳосил қилса, иккинчи томондан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик тўғри қабул қилишига хизмат қилади.

Қисқасини айтганда, депутат сайловчилар ва давлат ҳокимиятини бир-бирига мустаҳкам боғлайдиган кўприк. У сайловчи, партиямиз электорати билан боғлиқ масалаларни маҳаллий Кенгашда қатъият билан ҳимоя қилишга, ўз навбатида Кенгаш қабул қилган қарорларни сайловчига етказишга, мазмун-моҳиятини чуқур тушунтиришга масъул.

— Бугунги кунда қонунлар доирасида депутатлик гуруҳларига катта имконият ва ваколатлар берилган, — деди **ЎзХДП Хоразм вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров**. — Президентимиз маҳаллий вакиллик органлари қабул қилинган қонунлар жойларда қандай ижро этилаётгани устидан назоратни кучайтириши зарурлигини таъкидлади.

Ўз тажрибамиздан мисол келтирадиган бўлсам, 2008 йилда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг вилоятда бажарилишини ўрганиб чиқдик. Асосий камчиликларни аниқлаб, ҳокимликка мурожаат этдик. Тегишли ташкилотларга хулосаларимизни юбордик. Оқибат, буни вилоят ҳокимлигида яхши қабул қилишмади. Биз фақатгина камчиликларни кўрсатиб бераётганимиз, уларни бартараф этиш барчамиз учун манфаатли эканини айтдик. Масалан, Урганч туманида болалар майдончаси қуриш режалаштирилган. Лекин вақтида ер майдони ажратилмаган. Жамоатчилик қабулхонасига электр энергияси масаласида кўплаб мурожаатлар тушган. Биз бу масала бўйича ҳам вилоят электр тармоқлари корхонаси раҳбарига мурожаат этдик. Тушунтириш беришини сўрадик. Аммо у киши йиғилишга келмади. Ахийри, бу масалани вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритишга эришдик. Бу ишимизга ҳам норозилик билдирганлар бўлди. Аслида, биз электоратга тегишли масалаларни сессияда муҳокама қилиб, уларга ёрдам қиламиз, холос. Шундай экан, мазкур йўналишдаги ишларимиз кимгадир ёқдими, йўқми, изчил давом этиши, такомиллашиб бориши зарур. Тўғри, танқид, камчиликни юзга айтиш, ошкора муҳокама қилиш айрим раҳбарларга умуман ёқмайди. Лекин биз уларнинг раъйига қарасак, сайловолди ваъдаларимизни бажаролмай қолишимиз мумкин. Сайловчига буни қандай тушунтирамиз? Қолаверса, мамлакат ривожи, ҳаётнинг янада яхшиланиши учун ҳаммамиз бирдек юк кўтаришимиз керак.

— Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашига партиямиздан 13 нафар депутат сайланган, — **деди Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Дониёр Азизхўжаев**. — Депутатлик гуруҳи ўз иш режасига эга. Ундан сессияга киритилаётган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш, депутатларнинг Жамоатчилик қабулхоналарида фуқароларни қабул қилиши, кўтарилган турли масалалар юзасидан депутатлик сўровлари юбориш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва бошқа қатор тадбирлар ўрин олган. Ижтимоий вазият мониторингини юритиш ва юзага келиши мумкин бўлган масалаларни олдиндан кўра билиш, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилишида ташаббускор бўлиш электоратимиз манфаатининг самарали ҳимоясига хизмат қилади, албатта.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаси жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ. Хўш, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар» дастури жойларда қандай ижро этилмоқда? Буни назорат қилиш, керак бўлса, мана шу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бунда энг аввало минтақавий, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга жиддий эътибор қаратиш даркор. Бу, биринчидан, инқироз таъсирини юмшатиш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шарт-шароит яратиш, учинчидан, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда жуда катта аҳамиятга эга.

Семинарда, шунингдек, партиянинг бошқа кўплаб фаоллари, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар сўзга чиқиб, депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, ҳар бир депутат фаолиятини аниқ масалаларга йўналтириш борасида ўз фикрларини айтишди. Айниқса, партиямиз электорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини вакиллик органларида самарали ҳимоя қилиш, уларни ташвишга солаётган масалаларни сессиялар муҳокамасига киритиб, қонуний ечимини топиш зарурлиги таъкидланди. Бунда партия ташкилотлари депутатлик гуруҳига ёрдам кўрсатиши, экспертлар фаолиятини кучайтириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлилини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов иштирок этди ҳамда депутатлик гуруҳлари иши самарасини сезиларли даражада кучайтириш юзасидан ўз фикрини билдирди.

Тадбирда айтилган таклиф ва фикрлар асосида депутатлик гуруҳлари учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

---

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сергели туман кенгаши томонидан **«Наврўз — дўстлик ва меҳр-муҳаббат айёми»** деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирга «Учувчилар» маҳалла аҳли, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол ёшлар» қаноти, миллий маданият марказлари вакиллари, тиббиёт ва таълим соҳаси ходимлари таклиф этилди.

# Дўстлик ва меҳр-муҳаббат тимсоли



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир Ҳаитматов Наврўзни халқимиз азалдан хайр-саховат айёми сифатида эъзозлаб келаётгани хусусида сўз юритди. Наврўз шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган барча миллат, элат вакилларининг ҳақиқий байрами эканини таъкидлади. Барчани саховат айёми билан қутлади.

— Туманимизда турли миллат вакиллари аҳил ва иноқ ҳаёт кечираяпти, — дейди пенсионер Мактуба Мусаева. — Бугунги тантанамизга рус, корейс, татар, уйғур ва қозоқ миллий маданият марказларидан ҳам меҳмонлар қатнашиб, ўзларининг байрам дастурларини туҳфа қилдилар. Айниқса, «Амир», «Омад» гуруҳлари, «Калинушка» рус фольклор дастаси, «Яшлик» рақс дастаси, «Хван Тян» корейс гуруҳининг Ватан, Наврўз, дўстлик ҳақидаги қўшиқ ва рақслари барчамизга манзур бўлди.

Туман партия кенгаши ташаббуси билан шу кунларда қатор хайрия, саховат тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, партия кенгаши фаоллари элликка яқин кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда бўлиб, улар ҳолидан хабар олди. Бундай ишларни байрамдан сўнг ҳам изчил давом эттириш режалаштирилган.

**Умида МАНСУРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла — ота-она» деган нақл бор. Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, халқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналари, урф-одатларига ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда маҳалланинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

# «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур»



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Куни кеча Юнусобод туманининг «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган «Баркамол авлод — юрт келажаги» мавзуидаги давра суҳбатида шунга алоҳида эътибор қаратилди. Унда туман партия кенгаши аъзолари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Оқсоқол Камол Каримовнинг айтишича, маҳалладаги 1251 та хонадонда 5387 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 45 нафари ЎзХДП бошланғич ташкилоти атрофида бирлашган.

— Маҳалла фаоллари томонидан таълим-тарбия жараёнлари мунтазам назорат қилиб борилади, — дейди у. — Партиямиз жонкуярлари эса ҳудудимиздаги ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш ишларига бош-қош бўлишади. Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан доимо хабардор этиб борамиз.

— Фарзанд ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун аввало оилада соғлом муҳит бўлиши керак, — дейди маҳалла фаоли Матлуба Ҳасанова. — Ота-она ўрнак бўлиб, тўғри йўлга бошлаши лозим. Боланинг қизиқишини ҳисобга олиб, бўш вақтидан унумли фойдаланишга ўргатиш лозим. Мусиқа, спорт, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиш учун ҳамма шароит етарли.

Ўзим ҳам болалар тарбиясида бу масалаларни инобатга олганман. Тўрт фарзандим, саккиз набирам бор. Фарзандларимга ҳам она, ҳам дўст бўлдим. Хато ва камчиликларини қаттиққўллик билан эмас, дўстона руҳда тушунтиришга ҳаракат қилдим. Улар ҳам ўз фарзандлари тарбиясида шундай йўл тутишаяпти. Набираларимнинг бири спортга, бошқалари мусиқага қизиқади. Набирам Феруза Ғиёсова дутор чалади, ўтган йили у республика анъанавий кўрик-танловида ғолиб бўлиб, Ҳамза номидаги мусиқа коллежига йўлланма олди. Уларнинг ютуқ ва муваффақиятлари мени бениҳоя қувонтиради...

— Ибн Синонинг олдига ёш ота-она уч кунлик чақалоғини олиб келибди, — дея сўз бошлади педагогика фанлари номзоди Абдуманноб Тожиев. — Улар фарзандини қандай тарбиялаш кераклиги ҳақида маслаҳат сўрашибди. Шунда буюк мутафаккир бу ҳақда фарзанд дунёга келмасидан олдин ўйлаш кераклигини айтган экан. Фарзандларимиз бизнинг келажагимиздир. Уларнинг камолотида аждодлар мероси муҳим аҳамиятга эга. Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобида ҳам киши ҳамиша маърифатга суяниши кераклиги таъкидланади. Маънавият ва маърифат ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, тадбирда Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова, «Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлими раиси Фарҳод Холмонов, Тошкент иқтисодиёт коллежи талабаси Шаҳноза Валиевалар ҳам сўзга чиқиб, мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Муштарий САЙФИДДИН қизи.**

---

# «Тез тиббий ёрдам»чилар ғолиби аниқланди

Танлов

Мамлакатимизда 1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарор ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Давлат дастурига кўра, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш хизматига асос солинди. Ўтган йиллар мобайнида бу борада катта ишлар амалга оширилди.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Бугунги кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойларда 13 та минтақавий, 173 та туман ва шаҳар бўлими халқимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатаяпти. Шунингдек, вилоятлардаги 194 та тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси ва 1500 га яқин тез тиббий ёрдам бригадалари фаолият кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳукуматимиз халқимиз саломатлигини муҳофазалашда, айниқса, шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратиб келаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майда «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори соҳани ривожлантиришда катта аҳамият касб этяпти.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун кўп хайрли ишлар, жумладан, марказнинг жойлардаги филиалларига 100 дан ортиқ «Хундай», 300 дан кўпроқ «Дамас — амбуланс» русумидаги реанимамобил транспортлар берилди. Шунингдек, тизимда фаолият кўрсатаётган шифокорлар томонидан замонавий тиббий асбоб-ускуна ва технологиялардан мақсадли фойдаланиш, тез тиббий ёрдам автотранспорти парки ишини ривожлантиришда муайян тадбирлар ўтказилди. Жумладан, вазирлик ҳузурида ва жойларда махсус штаблар ташкиллаштирилди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатаяптики, шошилинч тиббий ёрдам тизимида халқаро ҳамкорлик, ривожланган давлатларда тўпланган илмий ва амалий тажрибани ўрганиш соҳанинг тарққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хориждаги нуфузли клиникалар билан ҳамкорлик ўрнатилган, ҳар йили қанчадан-қанча ёш мутахассислар чет элда малака ошириб келаяпти. Кези келганда, тиббиётимизнинг катта илмий имкониятини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Юздан ортиқ фан доктори, юзлаб фан номзодлари, ёш тадқиқотчилар ишлайди, хуллас, илмий салоҳият салмоқли.

Рақобат бор жойда тараққиёт, юксалиш бўлади. Вазирлик томонидан Президентимизнинг «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида кўзланган мақсадни рўёбга чиқариш ва ходимларнинг касб кўникмаларини ошириш учун «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», «Касбга энг садоқатли шифокор», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинацияси бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 116,3 миллион сўм маблағ йўналтирилди, — деди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов тадбирда сўзга чиқиб. — Ғолибларни аниқлашда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлимлари биз билан ҳамкорлик қилди, сўровларимизда 7200 нафардан ортиқ аҳоли қатнашди. Номинациялар бўйича аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўргандик.

Кўрик-танлов якунини улуғ айём — Наврўз байрами олдидан ўтказишимиз бежизга эмас. Зеро, Наврўз қутлуғ кун, Йил боши, халқимизнинг миллий шодиёнаси. Биз учун бугун қўшалоқ байрам.

Танлов шартларига кўра «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси бўйича Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилоят филиалининг Навоий шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси ғолиб бўлди. «Касбга энг садоқатли шифокор» деб марказнинг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси шифокори Илмира Эрманова, «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» деб Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Гулшан Аҳмедова муносиб топилди. «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинацияси бўйича эса Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси автокорхонаси ҳайдовчиси Турлибой Мамадиёров ғолиб деб топилди.

Навоий шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси кўрик-танловнинг бош соврини — «Дамас амбуланс» русумидаги автомашина билан мукофотланди.

Қимматбаҳо, эсдалик совғалари топширилгач биз бош совриндорни суҳбатга тортдик.

***Муртозо ХЎЖАЕВ, Навоий шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими мудири:***

— Ғолиб бўлганимиздан бутун жамаомиз билан жуда хурсандмиз. Бу бизнинг меҳнатимизга берилган юксак баҳо бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги қароридан сўнг иш фаолиятимизда ижобий бурилиш ясашга интилдик. Жумладан, бўлим ва станцияларимизнинг моддий-техника базасини, малакали кадрлар, дори-дармон таъминотини мустаҳкамладик, бизга тегишли бўлган автохўжаликларни капитал таъмирладик, ҳайдовчиларга шароитларни янада яхшиладик.

150 минг нафар аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатамиз, 10 та станция мавжуд, 100 нафардан ортиқ тиббий ходим ишлайди, 7 та «Хундай» русумидаги реанимамобил автотраспортига эгамиз. Улар йўлда беморга тиббий реанимацион ёрдам кўрсатишга мослашган.

2009 йилда 16 нафар тиббий ходимни замонавий тиббий асбобларда ишлашга ўқитдик, малакасини оширдик. Йилига аҳолидан 50 мингдан ортиқ чақирув бўлади. Чақирувларга 10-15 дақиқада етиб борамиз, беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатамиз. Бу стандартларга мос келади.

Биз элимизнинг соғлиғини сақлашга камарбастамиз, тез ёрдамга ошиқамиз.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# Буюк орзулар, буюк мақсадлар йўлида

Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университети ректори, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Темур ШИРИНОВ билан суҳбат.



***— Мамлакатимизда бўлгани каби Самарқанд давлат университетида ҳам жаҳонда тан олинган илмий мактаблар фаолият кўрсатиб келган. Ушбу анъаналар бугун қандай давом эттирилмоқда?***

— Тарихий илдизларининг чуқурлиги ва қадимийлиги нуқтаи назаридан Самарқанднинг муборак номи Рим ва Афина, Бобил ва Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Лекин улар орасида фақат Самарқанд ва Римгина «абадий барҳаёт шаҳар» деган номга сазовор бўлганини, жаҳон аҳли ўртасида «Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд» деган иборанинг кенг тарқалганини инобатга оладиган бўлсак, бу юксак эътирофнинг маъноси янада ёрқин намоён бўлади.

Самарқанд шаҳрининг илм-фан ва таълим соҳасида жаҳонга танилишида университетнинг ҳам ўз ўрни бор. Бугунги кунда СамДУ Марказий Осиёдаги энг қадимги ва йирик олий таълим муассасаларидан бири бўлиб, у расмий равишда XX асрнинг бошларидан фаолият кўрсатаётган бўлса-да, унинг тарихий илдизлари Мирзо Улуғбек даврига бориб тақалади.

СамДУнинг жаҳондаги нуфузли илмий ва ўқув марказлари орасидан жой олишида, бу ерда шаклланган кўплаб илмий мактабларнинг ўрни бекиёсдир.

Бу илм даргоҳида бугунги кунда 15 дан ортиқ нуфузли илмий мактаблар фаолият кўрсатиб, уларнинг анъаналари давом эттирилмоқда. Жумладан, Абдурауф Фитрат Воҳид Абдуллаев, Ботурхон Валихўжаев, Нуриддин Шукуровлар асос солган ***ўзбек адабиётшунослиги,*** Ғози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Раҳматулла Қўнғуров, Худойберди Дониёровлар томонидан шакллантирилган ***ўзбек тилшунослиги илмий мактаби*** шулар жумласидандир.

Самарқанддаги ***археология мактаби*** асосчиси Яҳё Ғуломов, шунингдек, соҳа фидойилари ва давомчилари томонидан ўлкамиз жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири эканлиги, жумладан, Самарқанд шаҳри тарихига оид жуда катта ишлар амалга оширилди.

***Физика соҳасида*** фаолият кўрсатаётган академик Акбар Отахўжаев томонидан асос солинган ***Оптика ва спектроскопия илмий мактаби*** эришган ютуқлар Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Профессор Мусо Мўминовнинг ***Ядро ва космик нурлар физикаси илмий мактаби*** бугунги кунда янада ривожлантирилмоқда. Ядро физикаси лабораторияси Марказий Осиёда ягона бўлмиш «Микротрон-22С», «Импульс-3М» электрон тезлатгичлар, ион манбалари, фотоядро реакцияларини ўрганувчи экспериментал қурилма, гамма-спектрометр ва замонавий компьютерлар ёрдамида илмий изланишларни давом эттирмоқда.

2004 йилдан бошлаб, СамДУда Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган ***Астрономия*** илмий мактаби қайта тикланди. Астрономия йўналишида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, замонавий кузатишларни ўтказиш мумкин бўлган телескоп ўрнатилиб ишга туширилди.

Шунингдек, ***математика соҳасида*** шаклланган ва бугунги кунда ҳам самарали фаолият олиб бораётган ***дифференциал тенгламалар ва математик физика, алгебра ва сонлар назарияси илмий мактабларини*** ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу мактабнинг забардаст вакиллари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари бугун бутун жаҳонда эътироф қилинмоқда.

Университетда илмий мактаблар анъаналарини узлуксиз давом эттириш мақсадида бу мактаблар илмий салоҳиятини доимий ошириб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сўнгги беш йил ичида 5 та йўналишда аспирантура очилиб, аспирантура йўналишлари сони 35 тага етказилди. Ҳар йили давлат илмий-техника дастурлари доирасида 20 дан ортиқ фундаментал, амалий ва инновацион ҳамда чет эл грантлари доирасидаги илмий лойиҳаларнинг бажарилаётгани бу илмий мактаблар самарадорлигини янада оширмоқда. Самарқанд давлат университети Халқаро университетлар ассоциациясининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинганлиги ҳам бу ҳақиқатнинг том маънодаги эътирофидир.

***— Баркамол авлод таълим-тарбиясида олий ўқув юртлари алоҳида ўрин тутади. Айтайлик, мана шундай тажриба ўтказилса: вилоятнинг қишлоқ мактаб ва коллежларида профессор дарслари ташкил қилинса. Бу билан таълим тизимида уйғунлик тамойилига эришилса, яъни боғча-мактаб-коллеж-лицей-институт-университет.***

— Таълим тизимида уйғунлик тамойили 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да аниқ ва ёрқин кўрсатилган. Ҳозир бизнинг давлатимизда таълим жараёни ана шу асосда олиб борилмоқда. Илмнинг таълимга хизмати ҳамда таълимга жорий этилиши масаласи қандай аҳволда деган саволга жавоб сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин. Илмнинг мақсади таълимга хизмат қилиш, таълимни такомиллаштириш, яхшилашдан иборат. Таълим учун яратилган ҳар бир дарслик ёки ўқув қўлланма олиб борилган узоқ илмий кузатишлар, таҳлиллар маҳсули саналади.

Бугун мактаб ва коллежларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Самарқанд давлат университети яқинда бир тажрибани бошлади. Вилоят туманларида математика, физика, химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда бошқа фанлар чуқур ўқитиладиган мактабларни вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида аниқлади. Ҳозир уч томонлама — ***халқ таълими бошқармаси-университет-мактаб*** маъмурияти билан шартнома имзолаш арафасидамиз. Мақсадимиз ушбу мактабларда ўқиш-ўқитишни яхшилашга кўмаклашиш ва иқтидорли ўқувчиларни эрта аниқлаш, алоҳида бирлаштирилган гуруҳларда дарс ўтиш, тарбиялаш, келгусида уларни танлаган фанлари бўйича етук мутахассислар бўлиб етишишига кўмаклашишдир. Бугун ушбу ҳаракат дастури устида иш олиб бормоқдамиз. Шунингдек, унда фан ўқитувчилари ва қобилиятли ўқувчиларни ўқув йили охирида рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган.

Бугина эмас, ҳозир бир гуруҳ олимларимиз яна бир ташаббус билан чиқишди. Яъни профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари ўқиган мактаблари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш масаласи. Бу ҳам баркамол авлод таълим-тарбиясида ўз ижобий натижасини беради.

***— XXI аср интеллектуал бойлик асри. Президентимиз томонидан илгари сурилган бу олий мақсад бугун тобора ҳаётийлик касб этмоқда. Тарихдан маълумки, Иккинчи жаҳон урушида енгилган Германия, Япония каби давлатлар тикланишни аввал илм-фанга, таълимга эътибордан бошлаган. Яқинда Тошкентда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси учинчи марта ўтказилди...***

— Тараққиётни аввал илм-фанга, таълимга эътибордан бошланиши бежиз эмас. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши, том маънода таълим тизимида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг мантиқий давомидир. Бугун илм-фанга интилган ёшлар учун барча шароитлар яратилмоқда, шу билан бир қаторда берилган имкониятлардан фойдаланиб, катта-катта ютуқларга эришаётган ёшларимиз сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Биргина СамДУнинг ўзидан бир йилда Президент ҳамда Ўнлаб Давлат стипендиатлари, халқаро ва республика илмий танловлари ва олимпиадалари ғолиблари етишиб чиқмоқда. *Бир йилда ҳимоя қилинаётган номзодлик диссертацияларининг 90 фоизи 35 ёшга тўлмаган ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда, ҳозир университетда 30 дан ортиқ ана шундай ёш олим — фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда.* Ҳар йили ёш олимлар томонидан яратилаётган 3-4 монография республикамизнинг нуфузли нашриётлари томонидан, 50 дан ортиқ илмий мақолалар халқаро журналларда чоп қилинмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида интеллектуал мулкнинг аҳамияти катта. Бугунги кундаги долзарб вазифаларимиз, интеллектуал мулкнинг рақобатбардош бозорини шакллантириш, унинг ҳимоясини таъминлайдиган механизмларни ишлаб чиқишдир. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти инновацион тараққиётининг асосий йўлларидан биридир. Сўнгги икки йилда 504 та жорий этилган, 272 та жорий этишга тайёрланган ва 1500 дан ортиқ чоп этилган илмий ишланмалар тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди. Илмий ишланмалар тўплам ҳолида вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотларга тақдим қилинди. Бир қатор корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида соҳалар муаммолар банки шакллантирилди. Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича, минтақа муаммоларини инобатга олган ҳолда, университет илмий тадқиқот фаолиятининг 40 та устувор йўналиши аниқлаб олинди. Илмий-тадқиқот ишлари соҳалар бўйича республикамизнинг жанубий минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мос ҳолда, асосан ёқилғи-энергетика, кимё ва кимёвий технологиялар, экология, агросаноат комплексида мавжуд муаммолар ечимини топишга йўналтирилди.

СамДУ илмий жамоаси томонидан сўнгги уч йилда 20 дан ортиқ илмий ишланмага патент ва муаллифлик гувоҳномалари расмийлаштирилди. Олимларимизнинг 50 дан ортиқ илмий ишланмалари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ва илмий тадқиқот ишлари натижаларининг 100 дан ортиғи ўқув жараёнига жорий қилинди.

Тараққиётни жадаллаштиришда интеллектуал мулк бозорини шакллантиришга қаратилган эътиборнинг яна бири, ***Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасидир.*** Ушбу ярмаркаларда университетимизнинг 30 дан ортиқ илмий ишланмалари тақдим қилинди. Жумладан, профессор Эргаш Абдураҳмонов раҳбарлигида яратилган, чиқинди газлар таркибидан СО ва углеводородларни аниқлашга имкон берувчи селектив термокаталитик сенсорлар ўзининг чет элдаги аналогларидан мутлақо қолишмайди. Бу сенсорлардан фойдаланилиб, «МАРОКАНД МСМ» ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда, четдан келтириладиган асбобларни алмаштира олувчи, кичик ўлчамли газоанализаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу йилги ярмаркада иқтидорли ёшларимиз ва талабаларимиздан 6 нафарининг ишланмаси тақдим этилди. ***Химия факультети 3-курс талабаси Фазлиддин Эрдонов*** томонидан «Енгил алангаланувчи материалларни қийин ёнадиган формага келтирадиган антипирен препаратлари яратиш» мавзусидаги ишланма ярмарка иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

***— Маънавиятнинг икки қаноти бўлган таълим ва тарбияда миллийлик-замонавийлик-анъанавийлик тамойилларини қандай уйғунлаштириш мумкин?***

— Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган бугунги ислоҳотлар муҳим бир вазифага — замонавий фикрлайдиган, дунёга теран назар ташлайдиган, интеллектуал билим ва бойликка эга, маънан соғлом авлод тарбиясига қаратилган. Мамлакат хавфсизлигини, миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам ана шу вазифалар нуқтаи назаридан қаралади. Чунки Юртбошимиз миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этишини қайта-қайта таъкидлайди.

Бу ўта мураккаб ва масъулиятли жараённи оғишмай амалга оширишда миллийлик ва замонавийлик концепциялари уйғунлигини таъминлаш узлуксиз таълимнинг барча тизимларида бўлгани сингари, олий таълимда ҳам жуда катта масъулият талаб этади.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлайдики, дунёдаги бошқа халқлар ҳам озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш, миллий тикланиш, ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш жараёнида ўзининг беқиёс ички қобилият ва салоҳиятини ишга солиш, уни рўёбга чиқариш ҳисобидан тараққиётга эришган.

Шунинг учун ҳам, миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги таълим-тарбиянинг негизини ташкил этишини инобатга олиб, тарихий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни юксак даражада қадрлашимиз ва давом эттиришимиз билан биргаликда жаҳон афгор оммаси эришган ютуқларни ҳам ўрганишимиз ва таълим-тарбия жараёнида, маънавий-маърифий фаолиятимизда қўллашимиз тўғри бўлади.

Замон бугун биздан барча жабҳаларда янгиланишни, ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишни талаб этмоқда. Бинобарин, таълим-тарбия жараёнида ҳам. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, биз бугун Самарқанд давлат университетида бенчмаркинг усулидан фойдаланишга, яъни дунё олий ўқув юртлари орасидан ўзимизга муносибларини топишга ва ҳамкорлик қилишга, бир-биримизни ўрганиш орқали таълим-тарбия жараёнига энг илғор, замон талабларига мос келадиган педагогик технологияларни олиб киришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бу эса, таълим-тарбияда миллийлик ва замонавийлик тамойилларини уйғунлаштиришни тақозо этади.

***— Глобаллашув жараёнида тобора кучайиб кетаётган «оммавий маданият», мафкуравий хуруж, турли диний оқимларнинг ёвуз таълимотларидан ёшларимизни асраш учун бугун нималарга эътибор беришимиз керак, деб ҳисоблайсиз.***

— Дарҳақиқат, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт бўлган турли мафкуравий хуружларнинг ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда. Бу эса мазкур хуружлардан фарзандларимизни асраш ва уларга қарши туриш ҳамда курашишни умумдавлат аҳамиятига молик вазифа қилиб қўймоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур масаланинг ечими — бу «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» кераклиги Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган. Ёшларимиз қалбида Ватан тарихидан ғурурланиш, юртга фидойилик, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш энг муҳим, бош вазифаларимиздан биридир. Биз ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда, маънавий-мафкуравий тарбияни изчил ва тизимли олиб боришимиз керак, деб ҳисоблайман.

Бунинг учун, энг аввало, *умуминсоний ғоялар билан суғорилган маданий, диний меросимиз, тарихимизни ахлоқсизлик, фахш, тубанликни тарғиб қилувчи «оммавий маданият»га, экстремистик диний оқимларнинг ёвуз таълимотларига қарши қўйишимиз керак.*

«Оммавий маданият», диний экстремистик хуружларга қарши туриш ва улардан ёшларимизни ҳимоялашнинг муҳим йўлларидан яна бири мафкуравий иммунитетни шакллантиришдир. Мазкур иммунитетнинг негизини миллий ғояга эътиқод, бир сўз билан айтганда, мустақил дунёқараш ташкил этади. Буни шакллантириш, ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири шубҳасиз маърифатдир.

***— Таниқли археолог олим сифатида Наврўз тарихи ҳақида ҳам фикрларингизни билдирсангиз?***

— Тарихий манбаларга кўра, Наврўзни байрам қилиш камида 3000 йиллик тарихга эга. Бу ҳақда қадимий паҳлавий китобларида, Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида маълумотлар бор. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Наврўзга бағишланган халқ қўшиқлари келтирилган.

Наврўз байрами айрим воҳаларда 7 кун, баъзи жойларда 12 кунгача байрам қилинган. Қишлоқ жойларда болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Наврўзга бағишланган қўшиқлар айтишган. Хонадон эгалари уларни турли совға-саломлар, егулик ва ширинликлар билан сийлашган. Совға-салом ва егуликларнинг бир қисми қишлоқдаги ночор оилаларга тарқатилган. Бу удумлар ҳозир ҳам Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг баъзи қишлоқларида сақланиб қолган.

Мамлакатимиз археолог олимлари томонидан қайд этилган баъзи топилмалар, иншоот ва моддий-маданият намуналарини Наврўзга алоқадор намуналар сифатида эътироф этиш мумкин. Масалан: Сармишсойдаги бронза ва илк темир даврига оид ерни шудгор қилиш жараёни тасвирланган қоятош суратларини, Хоразм воҳасининг сунъий суғоришга асосланган қадимий ирригация тизимлари остидаги деҳқончилик воҳаларини, Варахша (V-VI аср)даги ёвуз куч — девлар билан жанг қилаётган қаҳрамонлар тасвирини, Афросиёб деворий суратларида подшо Вархуман саройига Наврўз байрами куни элчилар ташрифи ифода қилинган юзлаб ассуарийлар ва бошқа кўплаб топилмаларни Наврўз билан боғлиқ халқ турмуш тарзи, удум ва маросимлари сифатида талқин қилиш мумкин.

Кириб келаётган Наврўз байрами бутун халқимизга муборак бўлсин. Баркамол авлод йилида ёшларимиз эришаётган жаҳоний ютуқлар сони янада кўпайсин.

**Суҳбатдош:**
**Фаррух ҲАМРОЕВ**

# «Хуш келдинг юртимга, Наврўзи олам!»

Қашқадарё вилоятида ўтказилган театрлаштирилган мусиқали байрам томошаси ана шундай номланди. Уни Қашқадарё вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нуриддин Зайниев очди.

Қарши шаҳридаги амфитеатрда бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналарида Наврўз ва баҳорни улуғловчи, Мустақилликни тараннум этувчи куй-қўшиқ, рақслар ижро этилди. Байрам нишонланган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар маҳаллалари томонидан сумалак тайёрланиб, дошқозонлар атрофида халқ қўшиқлари ва лапарлари куйланди, дорбозлик ўйинлари намойиш этилди.

Вилоятда байрам арафасида 135 мингта оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 100 нафар ёш оилага уй-жой қуриб берилди. Йил охиригача яна 735 та ёш оилага янги уйлар калити топширилади.

**Музаффар ТУРОПОВ**



# Ям-яшил далалардан бошланди сайил

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Паркент туманимиз ўзининг ширин-шакар мевалари билангина эмас, ширин сўзли шоирлари, фольклор ансамбллари, полвону чавандозлари билан ҳам шуҳрат қозонган, — дейди «Бошқизилсой» қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Файзулло Болтаев. — Мана шундай истеъдодли юртдошларимиз бугун байрамимизга файз бағишлаяпти. Ёшларимизнинг урф-одатларимизга бўлган садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаяпти.

— Ёшлигимда қўй-қўзиларни боқиб юрганимда четар чалардим, — дейди «Чашма» фольклор-этнографик ансамбли аъзоси Комил ота Йўлдошев. — Энди, қадимий, созимиз бўлган четарни юртимизнинг катта байрамларида чалаяпман. Мана шундай ёруғ кунларга етказганига шукр!

Ҳа, Наврўзи оламни аҳил бўлиб, тинч-хотиржамликда нишонлаётганимизга шукр! Наврўз билан аждодларимизнинг минг йиллик анъаналари етиб келганига, улар бизга қувват бағишлаётганига шукр!

**Абдусалим МАҲМУДОВ**
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**

Халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган Наврўз шодиёналари Сурхондарё вилоятида ҳам нишонланмоқда.

# Қувонч ва шодлик шукуҳи

Маҳалла ва гузарлар, шаҳару туманларда халқ сайиллари уюштирилиб, асрлар бўйи қадрланиб келинаётган ҳунармандчилик, халқ амалий санъати намуналари, миллий халқ ўйинлари ва лапарларга кенг ўрин берилмоқда. Ангор туманидаги Қорақир адирида ўтказилган халқ сайили баҳор, Наврўзни соғинган қалбларга алоҳида кўтаринкилик бахш этди. Бу ерда вилоятнинг барча туманлари ўзларининг рамзий қўрғонларини бунёд этишиб, миллий кўргазмалар, бахшиларнинг қўшиқ ва термалари намойиш этилди. Шунингдек, кўпкари мусобақалари ташкил этилди. Унда қўшни вилоятлардан ҳам моҳир чавандозлар иштирок этишди.

Воҳанинг барча жойларида бўлиб ўтаётган Наврўз шодиёналарининг шукуҳи Термиз шаҳридаги амфитеатр мажмуасига кўчди. Тантаналарда жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар иштирок этишди.

Табиатдаги янгиланишга уйғун равишда қалбларга баҳорий илиқлик олиб кирган боқий байрам Наврўз ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, дилларни дилларга боғловчи эзгулик рамзи ҳамдир.

— Юртингиздаги тинч ва осуда ҳаётга ҳавас қилса арзийди, — дейди афғонистонлик меҳмон, Балх вилояти губернатори ўринбосари Муҳаммад Зоҳир Вағдат. — Бу неъматни қадрлаётган ўзбек халқининг эртанги куни ҳақида ҳам энг яхши сўзларни айтиш мумкин. Ўзбек халқи ва ҳукумати томонидан кўрсатилаётган беғараз ёрдам юртдошларимизда мамнуният ҳиссини уйғотмоқда. Бу халқларимизнинг ўзаро бирдамлиги ифодасидир.

Тантаналарда Наврўзнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни, унинг такрорланмас кўрку тароватини ифода этган саҳна кўринишлари, фольклор жамоаларнинг ранг-баранг чиқишлари юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, кўклам соғинчини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бахш этди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

# Умид ва интилиш

## *камолотга етаклайди*

Шаҳрисабздаги «Ҳисор» спорт мажмуасида бундан тўрт йил бурун воҳада илк бадиий гимнастика зали ишга туширилган эди.



— Юртбошимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда спорт юксак даражада тараққий топмоқда, — дейди мураббий Хайрулло Жабборов. — Кўриб турганингиздек, стадион қайта таъмирланди, халқаро кураш мусобақалари ўтказиладиган бўлди. «Ҳисор» болалар футбол мактаби тузилди. Чунки истеъдодли ёшлар жуда кўп. Фақат уларни катта спортга йўналтириш керак. Ҳозир «Пахтакор» ҳамда бошқа футбол жамоаларида тўп сураётган Темур Жўраев, Алишер Юсупов ва бошқа ўнлаб ёшлар менинг шогирдларим эканлигидан фахрланаман.

**— Унда нега гимнастикачиларга мураббийлик қиляпсиз? Ёки бу иш осонроқми?**

— Тополмадингиз, — дейди Хайрулло кулиб ва бизни гимнастика зали ичкарисига бошлайди. — Ўзим Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида гимнастика спорти ихтисослигини эгаллаганман. Яна таэквондога қизиқаман.

Унинг орзуси ушалди. 2005 йилда мажмуада гимнастика зали қуриб битказилди. Таэквондо тўгараги очилди. Ишқибозлар кўпайди. Шаҳрисабздаги кўплаб мактабларнинг қобилиятли ўқувчилари дарсдан кейин тўгарак машғулотларига қатнай бошлашди. Унинг шогирдлари вилоят ва мамлакат миқёсида ўтган мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришди. Шаҳардаги 23-мактабнинг ўн беш ёшли ўқувчиси Моҳинур Атамуродова ўтган йили таэквондо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, ундан икки ёш кичик Маржона Элмирзаева олтин медаль билан тақдирланди.

Мураббий шогирдлари орасидан уқувли ёшларни танлаб, бадиий гимнастика сирларини ўргата бошлади. Ўнлаб гимнастикачи қизлар туман ва вилоят мусобақаларида муваффақият билан қатнашиб келишмоқда.

— Етти ёшимдан машғулотларга қатнай бошлаганман, — дейди ўн беш ёшли Моҳинур Атамуродова. — Устозимиз аввал таэквондо сирларини ўргатди. Гимнастика зали қурилгач, ҳавасимиз келди. Хуллас, бадиий гимнастикага қизиқиб қолдим. Ҳозир энг мураккаб машқларни ҳам осон бажаряпман.

— Моҳинур ва унинг дугоналаридан умидим катта, — дейди Хайрулло Жабборов. — Уларда бадиий гимнастика спорти талаб қиладиган истеъдод бор. Фақат машқларни ташлаб қўймаслик, тер тўкиб меҳнат қилиш керак. Маржонанинг онаси келиб, раҳмат айтиб кетди. Умуман, ёшлар камолоти йўлида ҳар қанча заҳмат чексак арзийди. Умид билан шу даргоҳ остонасини босиб ўтган ёшлар камолга етсин, маҳоратли спортчилар бўлсин, дейман. Ҳар бир мураббийнинг орзуси бу.

Хайрулло билан хайрлашиб, Қорапойча қишлоғида ўтган йил бошида ишга туширилган спорт мажмуига йўл олдик. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан қурилган спорт залида барча имкониятлар яратилган. Волейбол, баскетбол, футбол, каратэ, миллий кураш ҳамда бошқа турлар бўйича тўгараклар ташкил этилган ва юзлаб ёшлар машғулотларга қатнашаётган экан.

— Биласизми, — дейди ҳамроҳим, Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Эшқувват Қосимов, — мудофаа ишлари бўлими билан биргаликда ўтказилган тиббий кўрикда 1994 йилда туғилган болаларнинг бўйи 3-5 сантиметргача ўсганлиги, соғломлиги, бақувватлиги кузатилди. Бунинг боиси нимада? Аввало, оилаларда фарзанд тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Ундан кейин жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари савияси кўтариляпти. Агар туманда 185 таълим муассасаси бўлса, барчасида жисмоний тарбия машғулотларини юқори даражада ўтказиш учун шароит етарли. Жами 105 та стадион, 64 та ёпиқ турдаги спорт зали болалар ихтиёрида. Мактабдан ташқари спорт тўгаракларига 21 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилган. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида қўйилган муҳим вазифаларни амалга ошириш учун ҳар биримиз жон куйдиришимиз керак.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Санъаткор билан учрашув

# Ватан юрагимда яшайди!..

Яхши қўшиқ инсон қалбига эзгулик уруғини сочади, маънавий дунёсини бойитади. Мухлисларга манзур бўлаётган қўшиқларда шеър, мусиқа ва ижронинг ўзаро уйғунлигини кўрамиз. Агар шу ҳамоҳангликда миллий ва умуминсоний қадриятлар маромига етказиб куйланса, умрбоқий қўшиқ дунёга келади. Аммо бундай қўшиқ ўз-ўзидан яратилмайди. Бунинг учун санъаткорнинг маънавий дунёқараши етук бўлиши ва албатта, она юртини юракдан ҳис қилиши, севиши керак. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек НАЗАРБЕКОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.



**— Сизнинг репертуарингизда Ватан мавзусидаги қўшиқлар алоҳида ўрин тутади. Бунинг боиси нимада?**

— Ватан ҳақида ҳар кимнинг ўз тушунчаси бор. Мен учун Ватан — туғилиб ўсган тупроғим. Ватан ҳақида гапирганда, куйлаганда юрагимга қулоқ тутаман. Тилим орқали туйғуларим куйлашини истайман. Шунинг учун ҳам дуч келган шеърни қўшиқ қилмайман. Дилимга кўчсагина оҳангга солишга уринаман. Кўнглим тўлмаса, бастакорга бериб хоҳлаганимдек чиқмагунча ҳоли-жонига қўймайман. Шунинг учун Ватан мавзуидаги қўшиқларни атай бир тадбирга атаб, шошма-шошарлик билан ёки обрў-эътибор учун тайёрламайман. Агар инсон ўз Ватанини онасига, синглисига, ёрига қиёсласа, ундан ҳеч қачон бирон нарса таъма қилмайди. Балки ўзидаги борини бергиси келади. Улуғлаб кўкларга кўтаради. Бошқача бўлиши мумкинми? Ватан бизнинг бор-йўғимиз, аждодларимизнинг хоки поки, болаларимиз ошёни. Аслини олиб қарасангиз, бутун интилишларимиз, тириклигимиз манбаи у! Шунинг учун уни севиб, Она-Ватан деймиз.

Бошқаларни билмадим-у, шахсан менда Ватан ҳақида қўшиқ куйлашдан аввал матн ва мусиқа юрагимга кўчиши, руҳий оламимга сингиб кетиши шарт. Шундай бўлмаса, у қўшиқни куйлай олмайман. Чунки, Ватан юрагимда яшайди. Қўшиқни куйлаётганда тингловчининг Она-Ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати жўш уришини истайман. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, унинг озодлиги ва ободлиги йўлида, шу эзгу мақсад, шу мўътабар ғоя атрофида жипслашишга чорлаш учун бу ҳақда қўшиқ куйлайман. Ватанни севиб, ардоқлаб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**— Дарҳақиқат, сиз «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловида «Жон Ватан» қўшиғингиз билан иштирок этиб, ғолиб бўлдингиз. Мана шу қўшиқнинг яратилиш жараёни ҳақида тўхталсангиз?**

— Ростини айтаман, бу қўшиқ «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танлови учун атай яратилмаган. Аслида, у 2007 йили тайёр бўлган эди. Бир куни таниқли бастакор Анор Назаров телефон қилиб: «Атайин сен учун гўзал бир шеърга куй басталадим», — деди. Зудлик билан у кишининг ҳузурига етиб бордим. Кўнглимдаги чексиз қувонч боис, салом-алик қилиб улгурмай, матнни кўрсатинг деб шоширдим. Анор ака аввалига шеърни қўлимга тутқазди. Ғоят севиндим. Чиндан ҳам мен узоқ вақт ўйлаб юрган, юрагимда асраб келаётган, фурсатини топиб айтмоқчи бўлган гапларни билгандек Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов шеърни жуда топиб ёзган. Менга шундай бўлиб туюлди. Куй ҳам шунга монанд эди. Ундаги Она-Ватандан қарздорлик, розилик, тоабад миннатдорлик оҳанглари мени янада тўлқинлантириб юборди. Оҳанг сўзнинг ортидан эргашиб бораётганини ҳис қилдим. Бу соҳир куй билан эл-юрт улуғланган шеър юрагимдан бира тўла жой олди. Энди у қўшиқ бўлиб отилиб чиқиши керак эди. Йўлда кетаяпман-у, гўё осмон бағрида учиб бораётгандекман. Енгиб бўлмас бир куч пайдо бўлган эди менда. Назаримда, тоғни талқон қилишга қурбим етади. Она-юрт муҳаббати кишига шундай илҳом берса керак. Студия остонасидан ўтаяпман-у, ҳаяжондан сел бўлиб бораяпман. Қўлимга микрафонни олганимда бошқа бир руҳий оламга тушиб қолгандек бўлдим. Қўшиқ ижроси учун шундай ҳолатда ишлаганмиз.

**— Маълумки, қўшиқнинг элга манзур бўлишида шоир, бастакор ва ҳофиз ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда яратилаётган қўшиқларда бу жиҳат қай даражада деб ўйлайсиз?**

— Эл назарига тушган айрим хонандалар энди номимга муносиб қўшиқ куйлашим керак, деб Ватан мавзусига мурожаат қилишади. Санъаткор бирор мавзуда куйлашдан аввал ниманидир ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу, табиий, лекин Ватан ҳаммамизники, у ҳақда куйлаганда уни улуғлаш, меҳр-муҳаббат, фарзандлик бурчини адо этишга даъват мужассам бўлиши керак, деб ўйлайман. Ватан ҳақида беминнат куйлаш керак. Бу бизнинг, ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз, албатта. Санъаткор эл назарига тушдими, демак, унга ишонч билдирилган. Аввало у мана шуни англаб етиши, ўзини ҳурматга лойиқ тутиши керак. Қўшиқларимиз енгил-елпи бўлмаслиги учун Ватан ҳақидаги тушунчани доимо бойитиб бориш даркор. Назаримда, ҳақиқий санъаткор ўз қўшиғи билан жамиятнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши, халқнинг орзу-истакларини, дардини ифода этиши зарур. Халқимизнинг мумтоз мусиқа меросига бир назар солинг. Улар шу эзгу мақсадга бўйсунган.

**— Бугунги кунда баъзи таниқли хонандалар ижросидаги юрт ҳақидаги қўшиқларнинг сўзлари, мусиқасида енгил-елпилик учраб турибди. Сиз бу ҳолатга қандай қарайсиз?**

— Ҳозир шоир ва бастакор билан ҳамкорликда яхши қўшиқлар яратаётган ҳофизлар оз эмас. Маъно-мазмунли, таъсирчан қўшиқларни эшитиб, ўзим ҳам нимадир оламан. Лекин айрим қўшиқларда менга бастакорнинг ўрни унча сезилмайди. Бунга сабаб — шоир, бастакор, ҳофиз ҳамкорлигини ҳар ким ҳар хил тушунади. Менинг назаримда, шоир, бастакор билан хонанда ҳаммаслак бўлмаса, шоир айтмоқчи бўлган фикрни юрак-юракдан ҳис этмаса, ижро этаётган қўшиғи кўнгилдагидек чиқиши қийин. Чинакам ҳамкорлик ва ҳаммаслаклик умрбоқий қўшиқлар яратилишига йўл очади.

**— Афсуски, баъзи ёш қўшиқчилар, гарчи маънан тайёр бўлмаса-да, Ватан ҳақида куйлашга ўтади. Бу интилишни қўллаб-қувватлаш керак. Лекин айтинг-чи, санъаткор бундай мавзуга тажриба ўтаб, муайян тайёргарлик билан қўл уриши лозим эмасми?**

— Ватан ҳақидаги ҳар бир қўшиқ улуғ аждодларимизга хос бўлган тенгсиз ватанпарварликни эсга солиши муҳим, деб ўйлайман. Бундай қўшиқ миллатпарвар ота-боболар жасоратини ёдга солсин, она-юрт озодлиги ва ободлиги йўлида барчамизнинг бошимизни бириктирсин!

Шу билан бирга, ҳар бир оҳангда, сўзда шукроналик ҳислари сезилиб туриши зарур. Чунки, Ватанни севган, унинг тарихини билган ҳар бир инсон бугунги бунёдкорликдан қувонади. Тинч ўтаётган ҳар бир куни, фарзандлари саодати, давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган беқиёс ишлар учун, шукрона айтиб, ўзини бахтиёр ҳис қилади. Санъаткор бугуннинг мана шу нафасини ҳис қилмоғи керак.

Шунингдек, биз Ватаннинг эртанги куни, буюк келажагимизни теран нигоҳ билан кўра олишимиз лозим. Ана шунда сўзимизда, оҳангимизда қатъий ишонч, ўша кунларга интилиш ҳисси пайдо бўлади. Она фарзандини оқ сутига меҳрини қўшиб тарбиялайди, авайлаб вояга етказади. Ватан ҳам она каби бизга меҳрини берди. Бағрида эркалаб ўстирди. Кўзимизни очиб дунёни танитди. Нафақат қўшиқларда, балки ҳар бир ишимизда унга муносиб бўлишимиз, ёруғ юз билан фарзандлик бурчимизни адо этишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

**— Наврўз байрами арафасида кўнглингиздан қандай фикрлар ўтмоқда?**

— Баҳор фасли, Наврўз айёми киши қалбида ажиб туйғуларни, янгидан-янги орзу-умидларни уйғотади. Кўнглингда яхшилик чечаклари барқ ураётганини ҳис этасан. Ушбу баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин.

**(Ўз мухбиримиз).**




**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**«GM Uzbekistan» ЁАЖ**

***қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади***

**Андижон шаҳрида жойлашган мавжуд меҳмонхона биносини реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 672 255 000 сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати — 4 ой.**

**Қурилиш ишларини молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.**

**Буюртмачи: «GM Uzbekistan» ЁАЖ**

**Манзили: (Андижон вилояти, Асака шаҳри, Хумо кўчаси 81-уй. Тел:(998742) 233-05-30, 233-04-44.**

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

## Давлат-тижорат Халқ банкининг «Ижтимоий-рағбат» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 18 мартида Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида ўтказилган 12-ютуқлар тиражининг

# расмий жадвали

| № | Ютуқ миқдори (сўм) | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2000000 | Жиззах вилояти | Вил. Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-229 |
| 2 | 1000000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | ИР-62 |
| 3 | 1000000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | ИР-319 |
| 4 | 500000 | Жиззах вилояти | Вил.Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-228 |
| 5 | 500000 | Наманган вилояти | Поп филиали | 10-шохобча | ИР-5 |
| 6 | 500000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-598 |
| 7 | 250000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | «Конимех» мини-банки | ИР-97 |
| 8 | 250000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | ИР-55 |
| 9 | 250000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-253 |
| 10 | 250000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | Амалиёт бўлими | ИР-724 |
| 11 | 250000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Қораўзак филиали | 04-шохобча | ИР-21 |
| 12 | 200000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2096 |
| 13 | 200000 | Сирдарё вилояти | Янгиер филиали | Амалиёт бўлими | ИР-43а |
| 14 | 200000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2493 |
| 15 | 200000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 022-шохобча | ИР-21 |
| 16 | 200000 | Жиззах вилояти | Уч тепа филиали | 05-шохобча | ИР-776 |
| 17 | 200000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | ИР-318 |
| 18 | 200000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | ИР-437 |
| 19 | 200000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вил. Амалиёт бўлими | ИР-950 |
| 20 | 200000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-32 |
| 21 | 200000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-222 |
| 22 | 100000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 01-шохобча | ИР-13 |
| 23 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Шуманай филиали | Амалиёт бўлими | ИР-15 |
| 24 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-501 |
| 25 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Тахиатош филиали | Амалиёт бўлими | ИР-11 |
| 26 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | ИР-159 |
| 27 | 100000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 010-шохобча | ИР-71 |
| 28 | 100000 | Жиззах вилояти | Фориш филиали | 012-шохобча | ИР-138 |
| 29 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Тахтакўпир филиали | «Ўзбекистон» мини-банки | ИР-46 |
| 30 | 100000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | ИР-70 |
| 31 | 100000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-982 |
| 32 | 100000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-92 |
| 33 | 100000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» мини-банки | ИР-349 |
| 34 | 100000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | ИР-19 |
| 35 | 100000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | 059-шохобча | ИР-9 |
| 36 | 100000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1230 |
| 37 | 100000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» мини-банки | ИР-319 |
| 38 | 100000 | Сурхондарё вилояти | Вил. Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-255 |
| 39 | 100000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-829 |
| 40 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Шуманай филиали | 06-шохобча | ИР-8 |
| 41 | 100000 | Жиззах вилояти | Фориш филиали | 010-шохобча | ИР-437 |
| 42 | 100000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | ИР-865 |
| 43 | 100000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-130 |
| 44 | 100000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Чимбой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-19 |
| 45 | 50000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1042 |
| 46 | 50000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2273 |
| 47 | 50000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 018-шохобча | ИР-132 |
| 48 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-1278 |
| 49 | 50000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-74 |
| 50 | 50000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» мини-банки | ИР-18 |
| 51 | 50000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-952 |
| 52 | 50000 | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-315 |
| 53 | 50000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Рес. Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-107 |
| 54 | 50000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 021-шохобча | ИР-46 |
| 55 | 50000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» мини-банки | ИР-351 |
| 56 | 50000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | Амалиёт бўлими | ИР-21 |
| 57 | 50000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-138 |
| 58 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-788 |
| 59 | 50000 | Андижон вилояти | Мархамат филиали | 4-сайёр касса | ИР-33 |
| 60 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | 09-махсус касса | ИР-64 |
| 61 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вил. Амалиёт бўлими | ИР-500 |
| 62 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-758 |
| 63 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-683 |
| 64 | 50000 | Тошкент шаҳри | Хамза филиали | 0534-шохобча | ИР-1 |
| 65 | 50000 | Жиззах вилояти | Вил.Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-104 |
| 66 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-271 |
| 67 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-816 |
| 68 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-179 |
| 69 | 50000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Рес. Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-210 |
| 70 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-588 |
| 71 | 50000 | Жиззах вилояти | Уч тепа филиали | 05-шохобча | ИР-792 |
| 72 | 50000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Кегейли филиали | 02-шохобча | ИР-16 |
| 73 | 50000 | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-27 |
| 74 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | 047-махсус касса | ИР-55 |
| 75 | 50000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 018-шохобча | ИР-189 |
| 76 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий шахар филиали | Амалиёт бўлими | ИР-459 |
| 77 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-536 |
| 78 | 25000 | Сурхондарё вилояти | Вил. Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-266 |
| 79 | 25000 | Жиззах вилояти | Бахмал филиали | 017-шохобча | ИР-2 |
| 80 | 25000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 3-сайёр касса | ИР-145 |
| 81 | 25000 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-17 |
| 82 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2093 |
| 83 | 25000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Беруний филиали | 031-шохобча | ИР-21 |
| 84 | 25000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 018-шохобча | ИР-214 |
| 85 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-161 |
| 86 | 25000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-74 |
| 87 | 25000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | Амалиёт бўлими | ИР-102 |
| 88 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-1162 |
| 89 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-836 |
| 90 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | 09-махсус касса | ИР-2 |
| 91 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-676 |
| 92 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 030-шохобча | ИР-8 |
| 93 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2065 |
| 94 | 25000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-607 |
| 95 | 25000 | Жиззах вилояти | Ғаллаорол филиали | 026-шохобча | ИР-213 |
| 96 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 03-шохобча | ИР-129 |
| 97 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2138 |
| 98 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1188 |
| 99 | 25000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | 025-шохобча | ИР-21 |
| 100 | 25000 | Жиззах вилояти | Фориш филиали | 012-шохобча | ИР-218 |
| 101 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1429 |
| 102 | 25000 | Жиззах вилояти | Фориш филиали | 012-шохобча | ИР-112 |
| 103 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | ИР-286 |
| 104 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | «Конимех» мини-банки | ИР-179 |
| 105 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1929 |
| 106 | 25000 | Қорақалпоғистон Респуб. | Шуманай филиали | 07-шохобча | ИР-1 |
| 107 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1534 |
| 108 | 25000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 031-шохобча | ИР-61 |
| 109 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» мини-банки | ИР-355 |
| 110 | 25000 | Жиззах вилояти | Фориш филиали | 012-шохобча | ИР-421 |
| 111 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилоят филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | ИР-510 |
| 112 | 25000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 08-шохобча | ИР-3 |
| 113 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 05-шохобча | ИР-137 |
| 114 | 25000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-537 |
| 115 | 25000 | Андижон вилояти | Марҳамат филиали | 4-сайёр касса | ИР-171 |

Изоҳ: шунингдек, «Ижтимоий рағбат» омонати бўйича 3 446 та 10 000, 5 000 ҳамда 1 000 сўмлик ютуқлар ўйналди.

Омонатчилар ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг омонат ҳисобвараги очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.

**Ҳайъат раиси** — Охангарон шаҳар хокимининг биринчи ўринбосари **А.АЛИМОВ**

**Масъул котиб** — Халқ банки Бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директор ўринбосари **М.Ж. САИДОВ**


ASAKA BANK

## Ҳурматли юртдошлар!

# «Асака» банки (ОАЖ)

**Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.**

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

**1. «ВЕСЕННИЙ».**

*Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 14 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.*

**2. «БАРҚАРОР».**

*Сақланиш муддати — 5 йилгача, омонат бўйича йиллик 14 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар йилда ёки омонат ёпилганда берилади.*

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

**1. «СТАБИЛЬНЫЙ» ЕВРОДА.**

*Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.*

**2. «УНИВЕРСАЛ» АҚШ ДОЛЛАРИДА.**

*Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда (олти ой) учун олдиндан ёки омонат ёпилганда берилади.*

***Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.***

***Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63***

| | | |
|---|---|---|
| 1. Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| 2. Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| 3. Шайхонтохур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| 5. Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| 7. Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| 9. Фарҳод филиали | 8 374 | 229-97-53 |
| 10. Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| 13. Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| 14. Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| 15. Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| 20. Афросиёб филиали | 8 366 | 234-17-96 |
| 21. Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 223-72-47 |
| 24. Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган;

*Хизматлар лицензияланган.*

# «Аммофос — Максам» акциядорлик жамияти жамоаси

Юртдошларимизни **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан табриклайди.

*Бутун борлиқ яшариб, ёру кўкда мўъжизалар содир бўладиган ушбу нафосатли кунлар*



*ҳар бир хонадонга қувонч, шодлик олиб келсин!*

# БУХОРО ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ




**Азиз ватандошларимизни яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўз байрами билан самимий табриклайди.**

*Юртимизда тинчлик-осойишталик, хонадонларимизда файзу барака, дастурхонимизда тўкин-сочинлик, кўнгилларимизда шодлик ва шукроналик доимо барқарор бўлсин.*

***Наврўзингиз муборак, азиз юртдошлар!***



Меҳнатсевар ва фидойи халқимизни улуғ байрам — Наврўзи олам билан муборакбод этамиз. Халқимиз фаровонлиги, баркамол авлод тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юрдошларимизга Наврўз янги куч, бахт ва омад олиб келсин.



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман кенгаши

# «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти жамоаси

*Халқимизни янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этади.*

*Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлсин.*
*Ватанимиз фаровонлиги ва келажаги йўлидаги эзгу ишларда барчамизга омад ёр бўлсин!*



# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

**Барча юртдошларимизни гўзаллик ва нафосат айёми — Наврўз билан самимий муборакбод этади.**

*Озод Ватанимиз Баркамол авлод йилида янада гуллаб-яшнасин. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, саховатли заминимиздаги ҳар бир оилада тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, фаровонлик бўлсин!*



Азизлар, Наврўз шукуҳи сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

## Самарқанд вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси

*Баҳор байрами, янгиланиш, яшариш тимсоли бўлган Наврўз билан бутун Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини чин дилдан қутлайди.*

*Наврўз юртимизга фаровонлик, қут-барака, тўкинлик, мўл-кўлчилик олиб келаверсин!*



Баҳорнинг кутлуғ айёми билан бошланган йилимиз энг катта ютуқлар ва қувончлар йили бўлиб қолсин!

Танти ва меҳнаткаш ўзбек халқининг бахти ва ризқи бутун, табиати мусаффо бўлсин!

## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» акциядорлик-тижорат банки жамоаси



**Халқимизни Наврўз айёми билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди.**

*Кўнгилларга шўх-шодонлик, бахтиёрлик ва гўзаллик ҳадя этиб, табиатимизни гулларга буркаган айёмда эзгу ниятларимиз ижобат бўлишини Яратгандан сўраймиз. Юртимизни тинчлик, осойишталик, барака ҳеч қачон тарк этмасин.*

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки юртимиз аҳолиси даромадларини улар манфаатларига мос равишда ошириш мақсадида ўзининг қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

- «НАВРЎЗ» муддатли омонати — йиллик 14 фоиз, муддати — 3 ой.
- «НАВБАҲОР» муддатли омонати — йиллик 14 фоиз, муддати — 3 ой, 6 ой, 12 ой.
- «БАРКАМОЛ АВЛОД» муддатли омонати — йиллик 14 фоиз, муддати — 3 ой, 6 ой, 12 ой.

### ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА

- «КОМФОРТ» муддатли омонати — йиллик — 6 фоиз, 3 ой муддатга, минимал миқдор — 1000 АҚШ доллари.
- «УНИВЕРСАЛ» муддатли омонати — йиллик — 6 фоиз, 6 ой муддатга, минимал миқдор — 1000 АҚШ доллари.
- «ЭЛИТ» муддатли омонати — йиллик — 7 фоиз, 12 ой муддатга, минимал миқдор — 1000 АҚШ доллари.

Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!
Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 215-50-29, 254-18-65.
Web site: www.savdogarbank.uz
E-mail: info@savdogarbank.uz

## ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни қадимий ва муқаддас байрам — *Наврўзи олам билан* муборакбод этади!



*Хонадонларимиздан қут-барака аримасин, ҳар биримизга омад ҳамиша ёр бўлсин.*

## Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси барча юртдошларимизни, банк мижозларини *Наврўзи олам* билан чин дилдан муборакбод этади.

*Наврўз эзгу мақсад ва интилишларимизнинг сарчашмаси бўлсин!*

Шодиёна кунлари Сиз учун жозибали ва манфаатли шартларга асосланган *«САЁҲАТ-2»* ютуқли омонатини таклиф этади.

**Европанинг Франция ва Чехия каби мамлакатлари тарихий шаҳарларига саёҳат қилишни ёки юртимизнинг қадимий ва навқирон гўшалари саналган Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларининг тарихий обидаларидан баҳраманд бўлиб, завқланишни истайсизми? У ҳолда Сиз ўз маблағингизни Халқ банкининг *«САЁҲАТ-2»* номли муддатли ютуқли омонатида сақланг ва омонатларга ҳисобланган фоиз даромадлари билан бирга, юқорида қайд этилган йўналишлардан бирига сайёҳлик йўлланмаси соҳиби бўлинг.**
**«САЁҲАТ-2» ютуқли омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 50 000 (эллик минг) сўм миқдорида йиллик 14 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2010 йилнинг 1 июнига қадар қабул қилинади.**




ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ САЁҲАТ!
ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!
Мурожаат учун телефон: 150-12-91



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
*16312 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda